

DEVELOPMENT OF STUDENTS' CREATIVITY ON THE BASIS OF INTERACTIVE METHODS OF INTEREST IN HISTORICAL KNOWLEDGE

Kundizaliyeva Safiya Xolmirza qizi

TTA Chirchiq filiali o'qituvchisi

Abstract: The article describes the concept of creativity, interactive methods, interactive teaching methods and technologies, an interactive educational process aimed at developing creative abilities, pedagogical conditions, practical development and improvement of cognitive knowledge, the formation of students' creative abilities.

Keywords: creativity, interactive methods, abilities, cognitive knowledge.

ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРГА КИЗИКИШНИ ИНТЕРФАОЛ УКИТИШ МЕТОДЛАРИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВЛИК КОБИЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.

Аннотация: Ушбу мақолада креативлик тушунчаси, интерфаол методлар, интерфаол таълим усули ва технологиялари, креативликни ривожлантиришга йўналтирилган интер-фаол ўқитиш жараёни, педагогик шарт-шароитлар, когнитив билимларни амалда қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, талабаларнинг креативлик қобилиятларини шакллантириш баён этилган.

Калит сўзлар: креативлик, интерфаол методлар, қобилият, когнитив билимлар

РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ УЧАЩИХСЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ ИНТЕРЕСУ К ИСТОРИЧЕСКИМ ЗНАНИЯМ ОБУЧЕНИЯ

Аннотация: В статье описаны понятие креативности, интерактивные методы, интерактивные методы образования и технологии обучения, интерактивный учебный процесс, направленный на развитие творческих способностей, педагогические условия, практическое развитие и совершенствование познавательных знаний, формирование творческих способностей учащихся.

Ключевые слова: креативность, интерактивные методы, способности, познавательные знания.

Жаҳондаги глобаллашув ва таълимнинг интеграциялашуви жараёнларида бўлажак мутахассисларнинг касбий-ижтимоий тайёргарлигини ривожлантириш масаласи долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда. Замонавий дунёнинг инновацияларига мослашиш, доимий янгиланувчи жамият ҳаётига ёш авлодни тайёрлаш ва уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш қобилиятини ривожлантириш олий таълим муассасаси педагогини муҳим касбий вазифаси ҳисобланади. Креативлик таълим жараёнини ташкиллаштиришни ўзида мужассамлаштириб, креатив таълим жараёнини қуриш, таълим технологияларидан ижодий салоҳиятни ривожлантириш, турли услублар, билим ва кўникмалар мувозанатини ривожлантиришни ўз ичига олади. Буюк алломаларимиз янги ғоялар, янгича ёндашувларни таълимга жорий қилиш бўйича тинмай кураш олиб борганларини кўриш мумкин. Шарқнинг буюк алломалари Муҳаммад Ибн Мусо ал-Хоразмий, Ахмад алФарғоний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий, Заҳиритдин Муҳаммад Бобурлар ўз даврининг янги илғор педагогик ғоялар, фикрлар намояндаларидир. Мустақил таълим-ўша даврдаги энг самарали усуллар ҳисобланган. Юқорида номлари зикр этилган алломалар, дунёдаги энг машҳур даҳолар ҳисобланиб, асосан, мустақил, мутолаа қилиш натижасида оламшумул янгилик, кашфиётларни ихтиро қилишга муяссар бўлганлар. Мустақил таълим, ўзликни англашдан бошланади. Ўз-ўзини ривожлантириш, тарбиялаш, ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш, тинимсиз изланувчанлик, кузатувчанлик, бунёдкорлик, ташаббускорликлар асосида юксак маънавиятли баркамол авлодни тарбияланишига олиб келади Мамлакатимизда инсон, унинг ҳар томонлама камол топиши ва фаровонлиги, манфаатларини рўёбга чиқариш шароитларини яратиш, таълим сифати ва самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш борасидаги изчил ислохотлар натижасида интерфаол ўқитиш методлари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш кенг татбиқ этиш имкониятлари яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш” каби устувор вазифалар белгиланиб берилган. Шунга мувофиқ интерфаол ўқитиш методлари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Педагог олимлардан О. Жамолиддинова, О. Мусурмонова, М. Уразова, Н. Эгамбердиева, Э. Юзликаева, Ш. Шарипов, Ш. Шодмоноваларнинг илмий изла-нишларида таълим олувчиларда креативлик қобилиятларини ривожлан-тиришнинг бўлажак мутахассисларни касбий-инновацион тайёргарлигини шакл-лантиришдаги ўзига хос жиҳатлари, креативлик сифатларини ривожлантиришга

таъсир этувчи ижтимоий омиллар, шахснинг фаоллиги, шунингдек, таълим олувчиларда танқидий, креатив тафаккурни шакллантириш йўллари ва шакллари, мавжуд педагогик шарт-шароитлари, дидактик таъминоти, шунингдек педагогик креативлик мазмуни ёритиб берилган. Инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари воситасида таълим олувчиларда ўз-ўзини ижодий фаолаштириш, креатив ишланмалар (маҳсулотлар)ни яратишга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган эркин таълим муҳитини ташкил этиш А. Абдуқодиров, Н. Азизходжаева, У. Бегимкулов, Ж. Йўлдошев, Ю. Круглова, И. Риданова, В. Слостенин, Н. Сайидахмедов, Ў. Толипов, Г. Чижакова, Б. Ходжаев, Я. Гаффоров, М. Тилакова, С. Тоштемироваларнинг илмий тадқиқотларида асосланган. Креативлик таълим жараёнини ташкиллаштиришни ўзида мужассам-лаштириб, креатив таълим жараёнини қуриш, таълим технологияларидан ижодий салоҳиятни ривожлантириш, турли услублар, билим ва кўникмалар мувозанатини ривожлантиришни ўз ичига олади. Креативлик – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди. Креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади. Қолаверса, креативлик зехни ўткирликни белгилаб беради. Кўриниб турибдики, креативлик бевосита шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг ривожланиши эса интеллект-интуиция-мантикий фикрлаш жараёни таъсирида кечади. Интерфаол ўқитиш методлари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини шакллантириш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир. Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол технологияларни қўллашга бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар талаба эгаллаётган билимларни ўзи қидириб топиш, мустақил ўрганиб, таҳлил қилиш, хулосаларни ҳам ўзи келтириб чиқаришга ўргатади. Ўрганувчиларнинг мустақил, ижодий фаолият кўрсатишларига кўмаклашиш уларнинг ўз мавқеларини аниқлашлари ва амалда татбиқ этишлари учун шароит яратиш, ижодий фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган топшириқларни тақдим этишни англатади. Интерфаол таълимда ўқитувчи ўқув фаолиятининг фаол ташкилотчиси бўлиб, талаба бу фаолиятнинг субъекти сифатида намоён бўлади. Бунда ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, унинг мазмуни ва қўйлаётган натижалар бевосита таълим олувчининг индивидуал имкониятлари доирасида белгиланади ва шунга мослаштирилади. Интерфаол таълимни амалга оширишнинг муҳим воситаси –

интерфаол ўқитиш методларидир. Интерфаол ўқитиш методлари талабалардан ахборотларни ўзлаштириш жараёнидаги фаоллик, ижодкорлик, мустақилликни шакллантирибгина қолмай, ўқитиш мақсадларининг тўлақонли амалга ошишига ёрдам беради. Интерфаол методлар – талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ҳамда ўқитувчи билан ҳамкорликларини ташкил этишга хизмат қиладиган методлар. Интерфаол методларнинг моҳияти ўқитиш жараёнида талаба фаоллигини ошириш, талабани педагогик фаолиятнинг марказий фигурасига айлантиришдан иборатдир. Талабаларни фаоллаштириш учун дарс жараёнида қўлланиладиган усулларни тўғри танлаш ва саволларни аниқ тузиш катта самара беради. Бунинг учун дарсда мавзуга қўйилган мақсад аниқ белгиланиб, шу мақсадга эришиш йўли, усули пухта кўриб чиқилиши лозим. Ўқитувчи ҳар бир фойдаланадиган интерфаол усули талабага нима беришини олдиндан кўра олиши ва дарсни тўғри ташкил қилиши керак. Интерфаол таълим ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, талаба ва талабалар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс- мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – талаба – талабалар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади. Ўқитувчи интерфаол таълим ёрдамида талабаларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи талабаларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади. Интерфаол методлар билан анъанавий таълим усуллари орасида ўзига хос фарқлар мавжуд бўлиб, ҳар бир ўқитувчи бу фарқларни қиёслаши, уларнинг бир-бирига нисбатан афзалликлари ва камчиликларини дарсни режалаштириш ва уни ўтказиш усулларини танлашда тўғри ҳисобга олиши зарур. Бунда янги билимларни бериш, кўникмаларни шакллантириш, ривожлантириш, мустаҳкамлаш, билим- ларни такрорлаш, амалда қўллаш машғулотида ҳамда

ўқув фанининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир мавзу бўйича машғулоти учун энг мақсадга мувофиқ бўлган интерфаол ёки бошқа методларни тўғри танлаш назарда тутилади. Тўғри танланган методларни қўллаш машғулоти кизиқарли ва самарали бўлишини таъминлайди. Интерфаол машғулоти турлари кўп бўлиб, уларни дарс мавзусининг хусусиятлари ҳамда кўзда тутилган мақсадларга мувофиқ танланади ва тегишлича тайёргарлик кўрилади. Интерфаол машғулотида иштирок этиш учун талабаларнинг тайёрликларига ўзига хос талаблар қўйилади, булар машғулотида фаол иштирок этиш учун зарур билимларни ўзлаштирганлик, мулоқотга тайёрлик, ўзаро ҳамкорликда ишлаш, мустақил фикрлаш, ўз фикрини эркин баён қилиш ва ҳимоя қила олиш кўникмалари ва бошқалардан иборат. Интерфаол таълим бир вақтда бир нечта масалани ҳал этиш имкониятини беради. Булардан асосийси- талабаларнинг мулоқот олиб бориш бўйича кўникма ва малакаларини ривожлантиради, талабалар орасида эмоционал алоқалар ўрнати- лишига ёрдам беради, уларни жамоа таркибида ишлашга, ўз ўртоқларининг фикрини тинглашга ўргатиш орқали тарбиявий вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди. Шу билан бирга, амалиётдан маълум бўлишича, дарс жараёнида интерфаол методларни қўллаш талабаларнинг асабий зўриқишларини бартараф қилади, улар фаолиятининг шаклини алмаштириб туриш, диққатларини дарс мавзусининг асосий масалаларига жалб қилиш имкониятини беради. Ҳозир интерфаол машғулоти олиб боришда маълумки, асосан интерфаол усуллар қўлланилмоқда. Келгусида эса бу усуллар маълум даражада интерфаол технологияга ўсиб ўтиши мақсадга мувофиқ. Бу интерфаол усул ҳамда технология тушунчаларининг ўзаро фарқини бизнингча, шундай таърифлаш мумкин. Интерфаол таълим усули – ҳар бир ўқитувчи томонидан мавжуд воситалар ва ўз имкониятлари даражасида амалга оширилади. Бунда ҳар бир талаба ўз мотив- лари ва интеллектуал даражасига мувофиқ равишда турли даражада ўзлаштиради. Интерфаол таълим технологияси – ҳар бир ўқитувчи барча талабалар кўзда тутилгандек ўзлаштирадиган машғулоти олиб боришини таъминлайди. Бунда ҳар бир талаба ўз мотивлари ва интеллектуал даражасига эга ҳолда машғулоти олдиндан кўзда тутилган даражада ўзлаштиради. Интерфаол машғулоти амалда қўллаш бўйича айрим тажрибаларни ўрганиш асосида бу машғулоти сифат ва самарадорлигини оширишга таъсир этувчи айрим омилларни кўрсатишимиз мумкин. Уларни шартли равишда ташкилий-педагогик, илмий–методик ҳамда ўқитувчига, талабаларга, таълим воситаларига боғлиқ омиллар деб аташ мумкин. Талабаларда креативликни ривожлантириш таълим мазмунини ўзлаштиришда талабаларнинг билим савияси, ўзлаштириш даражаси, таълим манбаи, дидактик вазифаларига қараб,

муносиб равишда ўқитиш жараёнини ташкил этишни талаб қилади. Бунда қуйидаги педагогик шарт-шароитларга амал қилиш лозимлиги назарда тутилади:

–талабаларда креатив фаолиятни эгаллаш майлларини қарор топтириш, билиш эҳтиёжларини шакллантириш ва таълим жараёнида мустақилликни намоён қилиш муҳитини таъминлаш;

–талабаларда ижодий фикрлаш учун қулай имконият яратиш, талабалар томонидан баён қилинган турли-туман фикрлар ва ғояларни бағрикенглик билан қабул қилиш ҳамда уларнинг ўқув жараёнидаги фаоллигини таъминлаш, ҳар бир талабада унинг ижодий фикрлашга қодирлиги ҳақидаги ишончни қарор топтириш, уларнинг ижодий фаолликларини мунтазам рағбатлантириш;

–ўқув жараёнини талаба шахсининг хусусиятлари, эҳтиёжлари ва интеллектуал салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштириш;

– талабаларда индивидуал, кичик гуруҳлар ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг ижодий имкониятларини кенгайтириш, уларни муаммоларни ҳал қилишда тайёр, стандарт ечимлар билан бирга ностандарт ечимлар қабул қилишга ундаш;

–креатив фаолиятни ривожлантиришнинг асоси бўлган когнитив билимларни амалда қайта ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш имконини берадиган интерфаол машғулот шакллари ва методларини танлаш ва татбиқ этиш.

Хулоса қилиб айтганда, интерфаол таълим методлари ва технологиялари талабаларда креативлик қобилиятларининг шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади ҳамда уларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол ўқитиш жараёни ўзининг муайян мазмуни, воситалари, педагогик шарт-шароитлари, хусусиятлари ва усулларига эга бўлиши шарт. Интерфаол усулларни қўллаш натижасида талабаларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот, мунозара, баҳс олиб бориш кўникмалари шаклланиб, ривожланиб боради. Интерфаол таълим методлари ва технологиялари талабаларда креативлик қобилиятларининг шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади ҳамда уларда креативликни ривожлантиришга йўналтирилган интерфаол ўқитиш жараёни ўзининг муайян мазмуни, воситалари, педагогик шарт-шароитлари, хусусиятлари ва усулларига эга бўлиши шарт. Талабаларнинг креатив қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган ғоялар, концепциялар ҳамда илғор педагогик тажрибалар асосида ўқитиш жараёнини ташкил этиш креативликни ривожлантиришга нисбатан мазмунли-фаолиятли ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади. Демак, креативлик – шахснинг яратувчанлик, ижодкорлик хислатларлари билан боғлиқ кўникмалар мажмуи сифатида намоён бўлади. Креативлик ўз ичига муаммоларга нисбатан юқори

даражадаги сезгирлик, интуиция, натижаларни олдиндан кўра билиш, фантазия, тадқиқотчилик ва рефлексияни қамраб олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тўғрисида”ги ПФ–5847-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами миллий базаси <https://lex.uz/>.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии в подготовке учителя. – Т.: ТДПУ, 2000. – Б. 80.
3. Барышева Т.А., Жигалов Ю.А. Психолого-педагогические основы развития креативности. СПб, 2006. -285с.
4. Бубенов А.В. Коммуникационная культура: Философско-методологический анализ Электронный ресурс.: дис. канд. философ, наук. М., 2006.
5. Беспалко О.В. Социальная педагогика: схемы, таблицы, комментарии (учеб. пособие). – М.: Центр учебной литературы, 2009. – 208 с. – ИСНБ 978-966-364-837-81.
6. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005 й. 2.
7. Guilford J.P. (1950) Creativity, American Psychologist, Volume 5, Issue 9, 444–454.
8. Ишмухамедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005. 1.
9. Исаев И. Профессионально педагогическая культура преподавателя. – М.: Издательский центр «Академия», 2002. – С. 208.
10. Ибрагимова Г.Н. Интерфаол уқитиш методлари ва технологиялари асосида талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш. / Монография. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2016. – Б. 77.
11. Дружилов С.А. Профессиональная компетентность и профессионализм педагога: психологический подход. // Сибирь. Философия. Образование. Научно- публицистический альманах: Со РАО, ИПК, Новокузнецк, 2005.
12. Давлетшин М.Г., Жалилова С.И. Олий мактабда таълим жарани самарадорлигининг психологик томонлари – Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 10.
13. Зимняя И.А. Педагогическая психология: Учебник для вузов. – 2-е изд., доп., испр. и перераб. – М.: Логос, 2002. – С. 384.